

АСАР ТИЛИДА ТАКРОРНИНГ БАДИИЙ-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Норова Шаҳодат,

Низомий номидаги Тошкент давлат

педагогика университети ўқитувчиси

e-mail: geraklistich11@mail.com

Аннотация. Мақола ҳозирги кунда жуда кўп тадқиқотлар олиб борилаётган бадий асар тилини таҳлил қилишга бағишланган бўлиб, Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги такрор ва унинг хусусиятлари таҳлиliga қўл урилган. Бадий матнларда энг кўп қўлланиладиган лексик воситалардан бири бўлмиш такрор асардан сараланиб олинган ва бу мисоллар илмий- назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: концептуаллаштириш, актуаллаштириш, экспрессив восита, стилистик восита, такрорланувчи бирлик.

Бадий асарларда энг кўп ишлатиладиган ҳодисалардан бири такрордир. Такрорларнинг сўз устаси курули сифатидаги аҳамиятига биринчи бўлиб кўҳна Юнонистон нотиклари аҳамият қаратишган. Антик нотиклардан бири Квинтилиан такрорларга шундай таъриф берган: “Бир сўзни такроран қўллаш тингловчига катта таъсир этиб, худди душманга найза билан таъсир ўтказгандай бўлади.”¹ Рус тилшунослигида такрорларни тасниф этиш билан Л.М.Ломоносов махсус шуғулланган. У “Чиройли сўзлаш бўйича кўрсатмалар”² асарида такрорларни нутқ таъсирчанлигининг асосий фигураси сифатида кўрсатиб ўтган. Бадий нутққа хос синтактик-стилистик ифода усуллари билан бири бўлган такрор воситаси ҳақида тилшунослар турли қарашлар баён қиладилар. Хусусан, И.В.Арнольднинг фикрича, “Такрорлар муаллифнинг мақсадини амалга ошириш учун мақсадга мувофиқ ҳолда ҳар бир сўзни такрорлаш воситаси ҳисобланади.”³

М.Йўлдошевнинг “Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари”⁴ китобида такрорнинг қўлланишига кўра, такрорланувчи бирликнинг қайси туркумга мансублигига, синтактик табиатига, такрор бирликларнинг жойлашиш тартибига, ўртадаги масофасига, маълум бир фикрнинг турли шаклларда такрорланишига кўра турлари мавжудлиги ҳамда такрорнинг матн тузилишида услубий вазифа бажаришини таъкидлаган. Бизнингча, такрор синтаксиснинг экспрессив воситаси сифатида китобхонга кучли эмоционал таъсир кўрсатади, чунки ҳар қандай такрор воситаси орқали муайян фикрни ажратиш, таъкидлаш ҳамда нутққа эмоция бериш каби мақсадлар эътиборга олинади. Шу сабабдан

¹ Квинтилиан М.Ф. 12 книг риторических наставлений. - Мю, 1834. Часть I-XII

² Ломоносов. М.В. Об ораторском искусстве. Полн. собр. соч. Т. 7. - М., 1957. - С. 492.

³ Арнольд, И.В. Стилистика. Современный английский язык. М.: Наука, 2006. - 384 с.

⁴ Йўлдошев. М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. - Тошкент, 2007. - 98 б

хам такрорларни ҳосил қилишда сўзловчи ўзи учун асосий деб ҳисоблаган нутқий қисмларни бир неча маротаба такрорлайди.

Ёзувчи Асқад Мухтор тил парадигмасининг мазмуний-таркибий қисмларидан бири ҳисобланган ҳамда унинг асарларида кенг қўлланилган экспрессив-синтактик воситалардан бири бу- такрор бўлиб, қуйида адиб асарларида воқеаланувчи мазкур воситанинг лингвопоэтикаси таҳлилга тортилади. Асқад Мухтор бадиий такрорлардан асарларида тилининг образли, таъсирчан, оригинал ҳамда юксак бадиият талабларига жавоб бера оладиган восита сифатида моҳирона фойдаланган. Ёзувчи ўзи тасвирлаётган воқеа ривожига ўқувчининг диққатини тортиш, бўрттириб кўрсатиш учун товуш, қўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гапларни такрорлайди. Бу эса бадиий матннинг эстетик таъсир кучини ошириш ҳамда улар воситасида китобхон муаллифнинг бадиий мақсадини осон илғаб олади. Асқад Мухтор бу бадиий тасвир такрорни “Чинор” романида жуда моҳирона қўллаган бўлиб, у орқали асат таъсирчанлиги кучайтирилиб кўтаринки руҳ ҳосил қилинган.

Биламизки, такрорлар бир-биридан у ёки бу даражада такрорланиш усулига кўра фаркланади. Бу фарқ замирида товушлар, сўзлар, синтактик курилмаларнинг ўзига хос такрори ётади.

Мутахассислар такрорни: тил сатҳларига кўра (товушлар такрори, сўз такрори, гаплар такрори), такрорларнинг қўлланиш ўрнига кўра (горизонтал ва вертикал), такрорланувчи бирликнинг қайси туркумига мансублигига кўра (от такрори, сифат такрори, олмош такрори, феъл такрори), синтактик табиатига кўра, (сўз бирикмаси такрори ва жумла такрори), жойлашиш ўрни ва ўртадаги масофага кўра (контакт- яқин ўринли такрор ва дистант- узоқ ўринли такрор) турларга ⁵ ажратадилар.

Ноёб истеъдод эгаси Асқад Мухтор асари тилида ҳам такрорнинг деярли барча тури кузатилади. Адиб асарларида қўлланилган такрорий воситалар баён қилинаётган ҳолатни айнан беришда лингвопоэтик восита бўлган.

Маълумки, коннотатив маъно компонентларини ташкил қилувчи “буёқлар” фонетик- фонографик воситаларда ҳам кучли ифодаланади.” Ҳар бир ижодкорнинг туйғулари фақат ўзигагина аён бўлган оламда онг орқали намоён бўлади. Унга мос товушлар топиш эса, бевосита ёзувчининг сўздан ва товушлардан фойдаланиш маҳоратига боғлиқ. Қайси товушга қандай маъно

⁵ Йўлдошев.М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент.2007.-Б.38;Шофқоров А. Ўша автореферат.-Б 26

юклаш эса ижодкорнинг воқеликни онг ва қалб призмасида қай тарзда ўтказишига боғлиқ.”⁶

Қуйидаги матнда ҳ товушини чўзиш орқали мурғаккина қиз Онабиби ёзган иншонинг мазмунидан таъсирланган мактаб ўқитувчиси Шафиғуллинанинг руҳий ҳолати тўлиқ очиб берилган :-*Нима десак экан? Ҳ-ҳа, ҳа. Ўтган ҳафта рус тили дарсидан “Бизнинг оиламиз” деган мавзуда ишио ёздирилган. Мана қизингизнинг “иншоси”!*(67). Бу ўринда ҳ ундошини чўзиш билан ўқитувчи аёлнинг иккиланиш ва ҳайратини яшираолмаслигини китобхон такрор орқали янада чуқурроқ ҳис қилади. Бу мисолда такрорнинг 2 хил кўриниши қўлланган бўлиб , товуш яъни фонетик такрор билан биргаликда сўз такрор ҳам ишлатилган. Ёзувчи тасдиқ сўз бўлган “Ҳа” сўзини ҳам қаҳрамон тилидан такрор келтириб матндаги ҳодисанинг ўқувчига аниқ етиб боришига такрорий воситалар хизмат қилган десак адашмаймиз. Яна бир ўринда адиб такрор воситасида қаҳрамонлар нутқининг кўтаринкилигини ҳамда ҳис-ҳаяжон оқимининг юқорилигини таъминлаш мақсадида фойдаланган:-*Ёш боламисан ?... Обком бу!*

-Ана...ана...-деди жилмайиб Ориф ака, креслога қулайроқ жойлашиб ўтираракан,- сал суҳбатлашувдикки, тайёр фикр ҳам тугилиб қолди: обкомга одам шунчаки ўз ҳаяжонларини айтиш учун ҳам келиши мумкин экан.

Қуйидаги матнда эса –**лар** кўшимчаси матн когерентлигига хизмат қилишидан ташқари унда ифодаланган фикр тадрижийлигини ҳам таъминлаб, муҳим лингвопоэтик аҳамият касб этган.

Биронта таниш учрамасди. Хотинлар, болалар, негадир уни четлаб ўтишади. Фақат дарахтлар, ариқлар , кўприкларгина таниш. Ўша, неча йиллар мактабга, ишга қатананган кўчалари.

Адиб ижодида энг кўп учрайдиган такрор турларидан бири сўз такроридир. Сўз такрори билан биргаликда синтактик такрорлар яъни ундов гап такрорини ҳам учратиш мумкин.

Қуйидаги матнга эътибор беринг.

Онабиби бирдан чинқуриб унинг бағрига отилди.

-Дадажон, керакмас! Керакмас! Сиз дадамсиз! Сиз дадамсиз!

Асқад Мухтор такрорнинг бадий – лисоний хусусиятларидан ижодий фойдаланган ҳамда уларни кўп ўринларда ўзига хос тарзда қўллаган. Юқоридаги берилган матндаги қизалоқ Онабибининг тилидан айтилган

⁶ Алпонова Ш ? Инсон руҳиятининг акс эттиришда фонетик воситаларнинг ўрни//Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2009.-№ 4; Б 81

“керакмас! Керакмас!Сиз дадамсиз!Сиз дадамсиз!” каби такрорий воситалар беғубор қизалоқнинг ўғай бўлсада ўз отасидан афзал бўлган Орифга қарата айтилган бўлиб, ўқувчида кайфият ҳосил қилиш , ҳолатни кучайтириш, зарурат ва актуалликни яратиш учун хизмат қилган.

Яна бир ўринда асар қаҳрамони кичкина лекин ўзига яраша характерга эга бўлган қаҳрамон Онабиби тилидан айтилган матнда такрорларни қанчалик ўринли ишлатилганини ва беғубор боланинг ширин тилидан айтилган лексик такрорлар хайрат, фикрга алоҳида урғу бериш учун қўлланилган.

- Дада, дада! Азимжон акамнинг ойилари ҳам Онабиби экан!

- Бува,бува! Темир муаллими билан масала талашиб қолувди,енгибди!

Ёзувчи асарларида синтактик такрорлардан ҳам унумли фойдаланади. Улар ёзувчи ижодида турли хил шаклларда намоён бўлади. Қуйидаги парчада қўлланган синтактик такрор адиб ижодига ўзига хос жило берган.

-Мен ўлдирдим сизни, ойижон, мен ўлдирдим, мен, мен. мен!....- дерди Акбарали икки қўли билан салқи юзларини чангалла.

Бу парчадаги қаҳрамон Акбаралининг онаси ўлимига ўзини айбдор санаши, бутун умрини ёлғиз ўғилга бағишлаган онанинг изтироб ичида оламни тарк қилиши ҳолатини очиб бериш учун ёзувчи бир пайтнинг ўзида ҳам синтактик такрор ҳам лексик такрорни моҳирона қўллаши асар қийматини янада оширган десак хато қилмаймиз.

Бир парчада бир неча хил такрор турларини ҳам учратишимиз мумкин. Бу ёзувчининг такрорнинг оригинал намуналаридан қанчалик ўринли фойдаланганини кўрсатади.

Яна ўлим!Яна ўлим! -деб бақирди немис.

Умида Вацлавнинг айтмоқчи бўлган гапини эшитмай қолишдан қўрқар эди. Немисга жаҳл билан қўл силтади.

-Ме-ен...ҳо-зир ўла-ман,-деди Вацлав пичирлаб. Қизиқки пичирласа ҳам палатага барала эшитиларди. Мангулик сукунати олдида ҳар бир товуштошдек зил бўлади шекилли. -У...у...операцияга бор-ма-син...-деди Вацлав яна дармонсиз қўли билан немисни кўрсатиб.

Бу парчани таҳлил қилар эканмиз, адиб ўлим билан олишаётган қаҳрамонининг тилидан айтилаётган жумлаларга эстетик ва эмоционал мазмун бериш учун бир пайтнинг ўзида фонетик – фонологик,лексик ҳамда синтактик такрорларни қўллашни маъқул кўради. Асарни яна бир ютуғи шундаки, асар фақатгина ўзбек халқининг дардини ёритибгина қолмай, оламшумул бўлган воқеалар ҳам асар сюжетида тортилаган десак хато қилмаймиз. Асар қаҳрамони

бўлган Умиданинг ўлим билан олишаётган бир ажнабий инсонга бўлган муносабати, инсон тақдирига у ўзбек бўладими, ёки немис бўладими лоқайд қарамаслиги ёзувчининг қанчалик даражада оламда бўлаётган воқеаларга бефарқ эмаслигини кўрсатади. Албатта, бу ўринда такрорларнинг турли кўринишларини қўллаш орқали ёзувчи олдида қўйган мақсадига эришган десак хато қилмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Квинтилиан М.Ф. 12 книг риторических наставлений. - Мю, 1834. Часть I-XII
2. Ломоносов. М.В. Об ораторском искусстве. Полн. собр. соч. Т. 7-М., 1957.- С. 492.
3. Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык. М.: Наука, 2006.- 384 с.
4. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент, 2007.-98 б
5. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.- Тошкент. 2007.-Б.38; Шофқоров А. Ўша автореферат. -Б 26
6. Алпонова Ш. Инсон руҳиятининг акс эттиришда фонетик воситаларнинг ўрни//Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2009.-№ 4; Б 81